



IN CRITERIA FOR DETERMINING THE LEVEL OF MASTERY OF FOLK CRAFTS IN THE LESSONS OF STUDENTS IN TECHNOLOGY EDUCATION

Igamov S S

Lecturer at the Department of General Engineering and Technology of SamSU

E-mail: igamov@mail.ru Tel: 937211101

Annotation: this article examines the types of folk crafts, pedagogical conditions, problems and ways of solving the teaching of folk crafts in technology lessons in general education schools.

Key words: young generation, fine arts, arts and crafts, historical and literary heritage, cultural monuments, ornaments, professions, folk crafts, labor.

Ўқувчилар халқ ҳунармандчилиги бўйича билимларни ўзлаштириш. Мустақил равиша ёки ўқитувчи раҳбарлигига турли фактларни, саналарни, исм, воқеа ва ҳодисаларни қайд қилиш, аждодларимиз томонидан бажарилган ҳаёт тажрибаларини ўрганиш. Ҳар бир ҳунарнинг тарихи, тарқалиши, аҳамияти, моҳир усталарини билиш, шу соҳа бўйича қилинган ишлар билан танишиш, турли адабиётлар билан, радио, телевидение, ўқитувчининг маъруза ва ҳикоялари, вақтли матбуот ва бошқалар маълум соҳа бўйича билим манбалари ҳисобланади. Халқ ҳунармандчилиги бўйича педагогик назоратни ташкил этишининг қўйидаги тамойиллари мавжуд: режалилик, тизимлийлик, маълум мақсадга йўналтирилганлик, кўп қиррали ҳаққонийлик, ошкоралик, ҳаётийлик ва бошқалар. Ушбу тамойиллардан педагогик назорат ўқув тарбиявий жараённинг барча соҳаларини қамраб олиши қўринади: мактабдаги ўқув-дарс тизими, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар тизими, ўқувчилар унумли меҳнат жараёнида қатнашиши, жамоат топшириқларини бажариши, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг, ўз-ўзини бошқаришнинг, жамоатчиликнинг таъсири, оиланинг роли, ўқувчиларнинг касбий қизиқишлари, ижтимоий-иқтисодий таъсири, турли хил билим, кўникмаларнинг шаклланиш жараёни, турли хил хужжатларнинг юритилиши ва бошқаларни қамраб олади. Педагогик назоратнинг маҳсулдорлиги, уни қанчалик бообрў, салоҳиятли шахслар холисона бажаришига ҳам боғлиқdir. Назоратни мактаб директори ва у белгилаган кишилар: директор ўринbosарлари, ўқитувчилар, мураббийлар, синф раҳбарлари, тарбиячилар, ёшлар уюшмалари, педагогик-психологик қобилиятга эга ота-оналар, корхона раҳбарлари, мухандис-ўқитувчилар, мухандис-мутахассис ходимлар халқ ҳунармандчилиги усталари ва бошқалар олиб борадилар.

Педагогик назоратни қўйидаги қўринишларда олиб бориш мумкин: 1. Якка тартибда. 2. Ялпи синф бўйича, мактаб, туман, вилоят, умумдавлат миқёсида.

Технология фанида, хусусан, халқ ҳунармандчилигига педагогик назоратнинг якка тартибдаги қўргина шакллари таълимий-тарбиявий (дидактик) натижалар беради. Чунки, халқ ҳунармандчилигига меҳнатнинг мазмуни, асосан, қўл меҳнатига, маҳсус ва касбий юмушларни якка тартибда бажаришга асосланган. Педагогик назоратнинг гуруҳли ва ялпи шакллари кенг кўламда, давлат миқёсида, йирик ижтимоий-илмий тадқиқотларни олиб бориша бажарилади. Халқ ҳунармандчилигига ташкил этиладиган педагогик назорат қўйидаги қисмлардан тузилган: 1. Ўқув-тарбиявий жараённи кузатиш ва танишиш; 2. Шаклланган ва ривожлантирилаётган билим, малака ва кўникмаларни қайд қилиш, ҳисобга олиш; 3. Халқ ҳунармандчилиги соҳалари бўйича билим, малака, кўникмаларни текшириш ва назорат қилиш. 4. Олинган билим шаклланган кўникма ва малакаларни меҳнат натижаларига таянган ҳолда баҳолаш ва хulosалash:



1. Кузатиш – халқ ҳунармандчилиги бўйича назарий билимларни ўзлаштириш жараёнини касбий ва меҳнат кўнинма, малакаларининг шаклланиш жараёни билан кузатувчиларнинг бевосита ёки билвосита танишишидир. Кузатувчилар сифатида ўқитувчилар, тарбиячилар, раҳбарлар ва мураббийлар ҳамда илмий тадқиқотчилар қатнашиши мумкин. Кузатиш бевосита, билвосита, тизимли, узлуксиз ва узлукли, табиий ва сунъий, илмий тадқиқот мақсадларида ўтказилиши мумкин ва ўқув-тарбиявий жараёни билан танишишнинг асосий услубларидан бўлиб, олинган, олинаётган билим, шакллананаётган, шаклланган кўнинма ва малакаларни ҳисобга олиш ўқув даргоҳларидаги ўқув-тарбиявий жараённи қайд қилиб боришининг асосий шакли бўлиб хизмат қилмоқда.

2. Ўқувчиларнинг назарий билим, кўнинма ва малакаларининг ўзлаштириш даражасини текшириш ва бу жараённи назорат қилиш халқ ҳунармандчилиги бўйича турли хил меҳнат ва ишлаб чиқариш масалаларини ечиш, ҳисоблаш, ўқув курсининг бирор қисми ёки бутунлай ўргатилиши устида иш олиб борилади.

3. Билим, кўнинма ва малакаларнинг ўзлаштирилишини назорат қилиш ва текшириш қўйидаги кўринишларда олиб борилади: 1. Оғзаки. 2. Ёзма. 3. Амалий.

Оғзаки текшириш - ўқувчилар халқ ҳунармандчилигининг тарихи, ривожланиши, мазмуни, ҳозирги замондаги аҳволи тўғрисидаги назарий билимларнинг даражаси, мустаҳкамлиги, дунёқарашининг кенглиги даражасини тасаввур этишга имкон беради. Оғзаки текшириш ва назоратнинг қўйидаги кўринишларини биз илмий тадқиқотимизда қўлладик: сўровлар, сұхбат, интервю.

Халқ ҳунармандчилиги бўйича ўқувчилар билим, кўнинма ва малакаларини назорат қилиш ва текширишнинг қўйидаги ёзма услублари мавжуд; тестлар тузиш ва ўтказиш, анкеталар тузиш ва ўтказиш, ёзма назорат ишлари, ёзма ишлар, иншолар, технологик хариталар, чизмалар, жадваллар тузиш ва бошқалар.

Технология фанида ва халқ ҳунармандчилигига билим, кўнинма ва малакаларни текширишнинг амалий услублари етакчи ҳисобланади.

Педагогик назоратнинг етакчи ҳисобланган амалий, ишлаб чиқариш услублари қўйидагилардир:

1. Меҳнат юмуш (операция)лари ва услубарини бажаришнинг тўғрилиги; 2. Иш ўрнини ташкил этиш; 3. Хавфсизлик қоидаларига риоя этиш; 4. Буюмларни, буюртмаларни ясашнинг сифатлилиги ва ижодийлиги; 5. Деталларга ишлов бериш аниқлиги; 6. Вақт меъёрига қўйилган талаблар; 7. Санитария-гиgiene қоидаларининг бажарилиши; 8. Меҳнат қонунчилиги талаб ва миқдор (норма)ларининг сақланиши.

Халқ ҳунармандчилигига ва унинг турли соҳаларида деталлар (буюм қисмлари)га ишлов беришнинг аниқлигига риоя этиш муҳим аҳамият касб этади. Биз ушбу тадқиқотимизда, халқ ҳунармандчилигига учрайдиган шакл ва нақшларнинг аниқ геометрик ўлчамда эмаслигини турли хил эгри-бурчакларга, ижодий, миллий характерга эканлигини аниқладик.

Халқ ҳунармандчилигига учрайдиган шакл ва нақшларнинг аниқ бурчак геометрик ўлчамга эга эмаслиги, ижодий ва миллий характердалиги деталлар ўлчамига, тайёрланиш сифатига, аниқ давлат талаблари, шаблонлари ва стандартти қўйилмаслигини олиб келади.

Буюмлар сифати ва ўлчамлари аниқлигига асосий ўлчов мезони бўлиб, моҳир, юқори малакали халқ усталарининг тайёрлаган буюмлари, тутган йўллари, иш услублари хизмат қиласди. Халқ ҳунармандчилиги бўйича ташкил этиладиган машғулотлар, тўғараклар раҳбарлари, шу йўналишдаги меҳнат фаолиятининг амалий ва ишлаб чиқариш, қўл меҳнати



мазмунида эканлигини назарда тутиб, таълим муассасаси услугий кенгаши билан келишилган ҳолда ўқувсиларни ўзлари белгилашлари лозим.

Деталларга ишлов бериш аниқлиги белгиланган талабларни тузишда ишлаб чиқариш топшириқларининг якка характердаги, ўқувчиларнинг ёш, ақлий, психофизиологик хусусиятларига мос келишларини эътиборга олмоқлари лозим. Масалан, 5-7-синф (12-14 ёшди) ўқувчилар учун ҳалқ ҳунармандчилиги бўйича деталларга ишлов беришнинг аниқлиги талабларини, ўлчов мезонларини қўйидагича белгилаш мумкин:

1. Текис юзаларга ишлов беришда соддароқ шаклларни чизиш, ўлчаш, белгилашларни ва ясашларни бажариш: ганч, наққошлиқ, ёғоч, металл уймакорлиги, каштачилик соҳаларида;

2. Юқорида касбий маҳорат билан тайёрланган, тайёр буюмларга қараб, чизмаларни бажариш. Масалан, кулолчиликда илгари тайёрланган кўза, лаган, товоқ, коса ва пиёлаларга таққослаш, ўйинчоқсозликда тайёр ўйинчоқларга қараб таққослаш;

3. Ўлчамларнинг аниқлиги + 0,5 мм гача силжишигача эришиш;

4. Ўлчамлар аниқлигига хом ашё қаттиқлигининг таъсир этмаслиги, масалан, ёғоч ўймакорлигига ёнғоқ ва теракнинг қаттиқлигини таққослаш, тол ёғочининг мевали дараҳт билан, тут дараҳти ёғочини қайнин ва қарағай билан таққослаш ва бошқалар.

5. Белгилаш ва ишлов беришда асосий чизик ва ўлчамларнинг четки чегара чизикларининг сақланиб қолиши. Бунда ўқувчи чизик турларини яхши билиши, чизмакашлик саводхонлигига эга бўлиши (йўғон, тўғри, ингичка, узуқ-узуқ, чизик нуқтали чизик, штрих, тўлқинсимон ва бошқ.).

Бизнинг тадқиқотимизда металл ва ёғоч материалларга ишлов беришда қўйидаги аниқлик синфларига риоя қилдик (Самарқанд шаҳар бо-сон ихтисослаштирилган мактаби ўқитувчиси Эшмуродов Иномжон Олимжонов педагогик тажрибасидан):

5-6-синфларга металлар +- 0,3 мм дан +- 0,4 мм гача

ёғочлар +- 0,5 мм дан +- 0,8 мм гача

7-8 синфларга металлар +-0,1 мм дан +- 0,2 мм гача

ёғочлар +- 0,2 мм дан +- 0,3 мм гача

9-синфларда +- 0,1 мм

Буюмларга, уларнинг қисмларига ишлов беришнинг аниқлигига риоя қилиш ўқувчиларда ўлчов-назорат кўникума ва малакаларининг ривожланишига ёрдам беради. Мустаҳкам шаклланган ўлчов-назорат кўникума ва малакаларини ўқувчилар қўйидаги юмушларни бажаришга лаёқатини оширади:

- ўлчов-назорат асбобларини тўғри ушлаш ва фойдаланиш;

- асбобларни созлаш ва доим тайёр ҳолда тутиш;

- ҳалқ ҳунармандчилиги бўйича олинган билимларнинг амалиётда қўлланилиши маҳсулдорлик миқдорини ошириш;

- ижодкорлик қобилияти;

- унумли меҳнатни ташкил эта олиш;

Ҳалқ ҳунармандчилиги ва технология фанини ташкил этишда вақт ўлчами миқдори асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ҳалқ ҳунармандчилигига вақтни нормалашнинг мазмuni шундаки, бир ёки бир неча меҳнат юмушларини белгиланган муддат давомида бажариб улгуришdir.

Ўқувчилар вақт ўлчамини белгилашдан олдин, меҳнат ва маҳсус юмушларни бажариш тезлиги ҳисобига олинади. Ўқувчиларга вақт миқдорини белгилаш деталларнинг тайёрланиш сифатига эътибор бермаслик асосидагина юзага келиши мумкин.



Юқорида таъкидланганидек, сермаҳсул фаолиятда мутахассислар учун маълум ҳаракат усуллари ўқувчилар томонидан мукаммал бажарилса, ёки ҳозирги кунга қадар кўпчиликка маълум бўлмаган усуллар билан уйғунлаштирилган ҳолда бажарилганда, ўқувчиларнинг ижодий янги фаолияти юзага келиши ҳақида тасаввур этиши мумкин.

Ёшлиарнинг технология ва касб таълими тизимида тўғри йўлга қўйилишида фаолият турлари, билимлар, амалий кўникма ва малакаларнинг ривожланиш даражалари, аниқ белгилаб берилиши жуда муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С., Эгамов Х., Қўйсинов О.А. Меҳнат ва касб таълимида узвийликни таъминлаш муаммолари // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2001.–№ 2. –Б. 101-111.
2. С.Булатов. Ўзбекистон С.Булатов. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент-1991 йил.
3. Р.Хасанов. Амалий безак санъати методикаси. Тошкент 2003 йил.
4. Холматов Б.Қ. Композитсия. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2007
5. Гуломов К. Амалий санъат. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2007
6. М.А.Максумова, Қ.М.Абдуллаева. Халқ ҳунармандчилиги. Ўқув қўлланма - Т.: ТДПУ, 2008